



2024 йил 23 январь

№ РС-04-24

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг тўртинчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 29-моддасига асосан Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори юзасидан қўйидагиларни таъкидлайди.

2023 йил давомида Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг кассация инстанциясида 5 688 нафар шахсга нисбатан 4 968 та жиноят иши бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар апелляция инстанциясининг ажрим (хукм)лари кўриб тамомланган бўлиб, шундан 4 016 нафар (70,6 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 29 нафар (0,5 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, оқлов ҳукми чиқарилган, 6 нафар (0,1 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар тугатилган, 1 091 нафар (19,2 %) шахсга нисбатан апелляция инстанциясининг ажрим(хукм)лари бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган, 509 нафар (8,9 %), шу жумладан 37 нафар (0,7 %) шахсга нисбатан суд қарорлари қонунга мувофиқлаштирилгани ёки зарар қоплангани сабабли ўзgartирилган.

Таҳдиллар, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар апелляция инстанциялари томонидан чиқарилган суд қарорларининг Олий суд кассация инстанциясида кўрилган қисмига нисбатан:

Қорақалпоғистон Республикаси (26,9 %), Жizzах (27,6 %), Навоий (24 %) ҳамда Бухоро (22,3 %) вилоят судлари апелляция инстанциялари томонидан чиқарилган суд қарорларининг бекор бўлиши;

Сурхондарё (11,2 %), Наманган (10,8 %), Самарқанд (10,5 %), Сирдарё (10,5 %), Хоразм (10,5 %) вилоят ҳамда Тошкент шаҳар (10,4 %) судлари апелляция инстанциялари томонидан чиқарилган суд қарорларининг ўзgartирилиши бошқа вилоятларга нисбатан кўпайганини кўрсатмоқда.

Шунингдек, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясида 1 408 нафар шахсга нисбатан 1 270 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб тамомланган. Иш кўриш натижаларига кўра, 778 нафар (55,3 %) шахсга нисбатан

суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган бўлса, 383 нафар (27,2 %) шахсга нисбатан апелляция инстанцияси судларининг қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилгани, 46 нафар (3,3) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, ишларнинг тугатилгани, 14 нафар (0,9) шахсга нисбатан суд қарорларининг бошқа асосларга кўра бекор қилингани, 187 нафар (13,3 %) шахсга нисбатан суд қарорларининг эса ўзгартирилгани қуи судлар маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришга юзаки ёндашаётганини, аксарият ҳолларда иш бўйича келтирилган важларга лозим даражада ҳукукий баҳо бермаётганини кўрсатмоқда.

Бунинг натижасида маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича қуи судлар томонидан чиқарилган қарорларга нисбатан Олий суд кассация инстанциясига шикоят келтириш кўрсаткичи йил сайин ошиб бормоқда.

Хусусан, 2018 йилда Олий суд кассация (назорат) инстанциясига маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларига нисбатан 190 та кассация (назорат) шикояти келиб тушган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 880 та, 2022 йилда 1 416 та, 2023 йилда эса, 1 590 тани ташкил қилган.

Мазкур кўрсаткичлар қуи судлар томонидан маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш сифатини ошириш юзасидан зарур чоралар кўриш лозимлигини кўрсатмоқда.

Суд қарорларининг бекор бўлиши ёки ўзгартирилишига асосан:

жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига риоя қилинмагани;

суд қарорларининг қонунга хилоф таркибда чиқарилгани;

ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи учун сўз ёки судланувчига охирги сўз берилмагани;

маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларининг тўғри тузилмагани;

ишни янгидан кўраётган апелляция инстанцияси суди томонидан кассация инстанцияси суди кўрсатмаларининг бажарилмагани каби моддий ва процессуал қонунбузилишлар сабаб бўлаётгани, келгусида ишларни биринчи ва апелляция инстанция судларида кўришда мазкур қонун талабларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий ҳамда Бухоро вилоят судлари апелляция инстанциялари томонидан чиқарилган суд қарорларининг бекор бўлиш;

Сурхондарё, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм вилоят ҳамда **Тошкент шаҳар** судлари апелляция инстанциялари томонидан чиқарилган суд қарорларининг ўзгартирилиш кўрсаткичи Республика миқёсида юқори эканлиги мазкур судларнинг раислари ҳамда раис ўринбосарлари (жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раислари)га кўрсатиб ўтилсин.

Кўрсатилган суд раислари суд қарорларининг барқарорлигини таъминламаган судьяларнинг иш сифатини яхшилаш чораларини кўрсин.

3. Қуий судлар томонидан маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш сифатини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиласин.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари мазкур тоифадаги ишларни кўриш сифатини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати (Н.Мирзаалимов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида, **2024 йил февраль ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш юклатилсин;

суд амалиёти обзори вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларнинг ҳар бир судьясига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда “Куч-адолатда” газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), “Одил судлов” - “Правосудие” журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Ж.Умаров) суд амалиёти обзори “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси”, “Одил судлов” - “Правосудие” журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари - Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси И.Муслимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**

Б. Исламов